ОЛМАЛИҚ—ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

◆ № 212 (6073). 29 октябрь, 1977 йил ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ, УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛУҒВОР ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҚУРАШИНГИЗ!

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ЯНГИДАН-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ, ОЛҒА!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область Чиноз районидаги колхоз ва совхозларининг 1977—78 йилги мавсумда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш борасидаги тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланадики, Чиноз райони колхоз ва совхозларининг фермалари меҳнатчилари чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга, сут соғиб олишни ва молларнинг семиришини тўхтовсиз оширib боришга, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни муттасил кўпайтиришга аҳд қилдилар. 1978 йил ва ўнинчи беш йилликнинг шундан кейинги йиллари учун аниқ марралар белгилаб олинди — 1980 йилга бориб, сут етиштириш ва тайёрлаш икки баравар, гўшт етиштириш ва тайёрлаш 1977 йилда эришилган даражага нисбатан бир ярим баравар, тухум етиштириш ва тайёрлаш икки баравар кўпайтирилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Чиноз райони чорвадорларининг гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш учун барча резервлардан тўлароқ фойдаланиш борасидаги ташаббуси, чорва қишлови даврида маҳсулдорликни ўстиришга эришиш учун аъзо-қарор қилганлиги — ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат чорвачилик миришкорларига йўллаган мактубига ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1977—78 йилги мавсумда чорва қишловининг муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига амалий ишлар билан берилган муносиб жавоб бўлиб, ҳар жиҳатдан маъқуллаб, қўллаб-қувватлашга сазовордир, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент область Чиноз районидаги колхоз ва совхозларининг 1977—78 йилги мавсумда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш борасидаги тадбирларини маъқуллади.

Область, район партия комитетлари, республика колхоз ва совхозларининг бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1977—78 йилги мавсумда чорва қишловини муваффақиятли ўтказишлишни таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг чорвачилик миришкорларига йўллаган мактубига амал қилиб, 1978 йилда гўшт, сут ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари ҳамда Чиноз райони чорвадорларидан ибрат олиб, фермалар ва хўжаликларда чорва қишловини намунали ўтказиш, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили ва шундан кейинги йилларида чорвачиликни янада ривожлантириш учун социалистик мусобақани авж олдиришлари шарт.

Ташкилотчилик иши ва сиёсий ишни чорвачиликнинг барча тармоқларини интенсивлаштиришга қаратиш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун барча чораларни кўриш, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришдан иборат энг муҳим вазифани ҳал этишда қишлоқ меҳнатчиларига ҳар томонлама ёрдам бериш керак.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитетига чорвадорларнинг чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ҳамда фермалар маҳсулотини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказиладиган социалистик мусобақасини кенг ёритиш топширилди.

(Чинозликларнинг тадбирлари газетанинг 3-бетида босилмоқда).



● ОЛМАЛИҚ шаҳрининг донгдор ишчиларидан бир группаси. А. Абалян фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш учун 1977 йил 5 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Санъат саройида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Узбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини ўтказишга қарор қилдилар.

Мажлис кундуз соат 11 да бошланади.

МАТБУОТ — ОММАГА

СОВЕТ МАТБУОТИ Коммунистик партиянинг жонговар қуролидир. У меҳнаткашларнинг сиёсий онги, ғоявий савиясини ўстиришда, партия қарорларини амалга ошириш учун совет кишиларини сафарбар этишда, янги ташаббуслар ва ватанпарварлик ҳаракатларини кенг ёйишда, қисқаси, коммунистик жамият кишисини тарбиялашда катта роль ўйнамоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида газета ва журналларнинг пропагандистик ва ташкилотчилик иши ҳар қачонгидан ҳам активлашиб кетди. Матбуотнинг мундарижа ва мазмуни давримизнинг улуғвор мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда кун сайин бойиб бормоқда. Газета ва журналлар социалистик мусобақанинг чинакам ташкилотчиси, унинг оммавийлиги, ошкоралиги ва юксак самарадорлигини таъминловчи юксак восита бўлиб қолди.

КПССнинг XXV съезди оммавий информация ва пропаганда воситаларининг ишига юксак баҳо бериб, уларнинг экономика ҳамда фан ва маданиятни ривожлантиришга, бутун ижтимоий ҳаётга таъсирн ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаган эди. Улуғ Бахтномамиз — яқинда қабул қилинган янги СССР Конституциясида ҳам фуқаролларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик қонунлар ва қарорларни муҳокама этиш ва қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқи қонун тариқасида мустаҳкамлаб қўйилди. Чунончи, ҳар бир граждан давлат органларининг ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида уларга таклифлар киритиш, ишдаги камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқига эгалиги, сўз, матбуот эркинликлари таъминланиши махсус моддаларда битилган.

Матбуотнинг роли ва имкониятларини кенг тушунган меҳнаткашлар ҳозирги кунда газета ва журналларга келгуси йил учун қизғин обуна бўлмоқдалар. Областимизнинг барча шаҳар ва районларида, корхона ва қурилишларида, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртлари ва мактабларда бу муҳим сиёсий кампанияга катта эътибор берилмоқда. Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида, Оржоникидзе районида матбуот ихлосмандлари ўзларига керакли нашрларга уюшқоқлик билан ёзилмоқдалар.

Партиямизнинг ғамхўрлиги туфайли вақтли матбуотнинг тиражи йилдан-йилга ошмоқда, унинг сифати яхшиланиб бораётир. Айни вақтда янги нашрлар сони ҳам кўпаймоқда.

Газета ва журналларнинг омма орасидаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётир, аҳоли ҳамма жойда уларга ёппасига ёзилаётир. Бунинг боиси шундаки, матбуотимиз меҳнаткашлар таклиф ва мулоҳазаларининг, маслаҳатларининг, шикоят ва аризаларининг ҳар бирига партиявий нуқтаи назардан ёндошмоқда, уларнинг оператив ҳал қилинишига таъсир кўрсатмоқда. Лекин обуна иши муваффақиятли бораяпти деб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш тўғри эмас. Бу кампания партия ташкилотларининг ҳар доим диққат-эътиборида бўлиши керак. «Союзпечать» ходимлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар меҳнаткашларнинг истак ва талабларини ўрганишлари лозим. Обуна тарқатувчилар қабул пунктларида, алоқа бўлимларида, турар-жойларда тушунтириш ишлари олиб борсалар, агитациянинг турли формаларидан кенг фойдалансалар, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир хонадонининг қандай газета ва журналларга ёзилиши, қайси нашр ишда, кундалик турмушда яқин ёрдамчи, маслаҳатчи бўла олиши мумкинлигини тушунтириб бериш керак.

Бу борада Тошкент шаҳридаги бир қатор партия ташкилотлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Шаҳарда матбуотни пропаганда қилиш ва тарқатиш бўйича тузилган кенгашлар, жамоатчи вақтли матбуот тарқатувчилар, обунани ташкил этишни ўзларининг жонажон ишлари деб билмоқдалар. Уларнинг бундай ибратли иши қўллаб-қувватланиши, ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим.

Шу билан бирга КПССнинг XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, матбуотнинг ижтимоий аҳамиятига етарли эътибор бермаётган ходимлар, афсуски, ҳали ҳам учраб туради. Улар матбуот тарқатиш — партия сўзини халққа етказиш, энг тарқатиш эканлигини бир дам унутмасликлари керак.

Обуна тўплаш қисқа муддатли кампания. Бу йил у 1 декабрда тугайди. Айрим нашрларга ёзилиш эса ундан ҳам барвақт тамом бўлади. Шунинг учун партия ташкилотлари ана шу қисқа вақтдан унумли фойдаланишлари, обунанинг боришини диққат билан кузатиб, матбуот тарқатувчилар ишини тез-тез таҳлил қилиб туришлари керак.

Маълумотларга кўра, областимизда ҳар минг киши ҳисобига тахминан минг нусха газета тўғри келади. Бу йил ҳам обуна ўтган йилги кўрсаткичлар даражасида бўлиши кутилмоқда. Лекин сон ортидан қувиб, масаланинг иккинчи томонини унутмаслик керак. Партия ташкилотлари аҳоли ҳар бир қатламининг: коммунистларнинг, комсомол-ёшларнинг, студент ва мактаб ўқувчиларининг қандай нашрларга ёзилаётганлиги билан қизиқиши зарур.

Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб олмоқда. КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йиллик иккинчи йилини барча соҳаларда муваффақиятли якунлаш йўлида юксак сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат активлиги кўрсатмоқда. Халкимизнинг мардонавор меҳнати, бунёдкорлик ишлари марказий, республика, область, район газеталари саҳифаларида ҳар кун ўз ифодасини топиб турибди.

Улкан зафарларимиздан, коммунистик бунёдкорлик йўлидаги катта ютуқларимиздан ҳар бир совет кишиси доим хабардор бўлиб туриши керак. Бу вазифани ҳақиқат жарчиси бўлмиш совет матбуоти адо этади. Шундай экан, газета ва журналлар ўз ўқувчисини топсин, ҳар бир хонадонга, ҳар бир меҳнат коллективига кириб борсин.

Обунани ўз вақтида, юксак уюшқоқлик билан ўтказайлик.

ЎН ЮЛДУЗНИНГ БИРИ

В. М. МУҲАМЕДОВ,

Узбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари

КОММУНИСТИК жамиятнинг нурафшон биносини собитқадамлик билан барпо этаётган совет халқи, бутун прогрессив инсоният кишилик тарихида янги давр очган Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. 60 йил... Кўҳна тарих учун жуда қисқа муддат. Лекин йиллар ўтган сари Нева қирғоқларида бошланиб, дунёни революцион асосда қайта қуриш даврини очган бу инқилобнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти бутун салобати билан, бутун моҳияти билан, бутун мазмуни билан тобора яққол намоён бўлмоқда.

ЖОНАЖОН она-Ватанимиз коммунизм барпо этиш йўлига тушганидан бери ўтган қисқа муддат ичида ўзининг ҳаётийлигини, яратувчилик қудратини бутун дунё олдида кўз-кўз қилмоқдаки, бу инсоният ақлини шоширяпти. Бир вақтлар чор Россиянинг қолоқ ва қашшоқ, саводсиз ва ҳароб чекка ўлкалари юксалишнинг мисли кўрилмаган чўққиларига кўтарилди. Ана шундай ўлкалардан бири ҳисобланган бизнинг серқуёш республикамиз ёппасига саводхон, экономикаси ривожланган диёрга айланди.

Шу Октябрь революцияси туфайли республикамиз ҳаритасида янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди. Олмалиқ ана шундай шаҳарларнинг бири. Уни кўпинча порлаб турган юлдузга ўхшатишади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланишига саноқли кунлар қолган ҳозирги вақтда шаҳримизнинг барпо этилиши босқичларн ҳудди кино пентасидек кўз олдимиздан бирма-бир ўтади.

1934 йилда ВКП(б)нинг XVII съездида ўртоқ В. В. Куйбишев СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик планн қақида қилган докладида бундай деган эдн: «Урта Осиёда биринчи беш йилликнинг энг муҳим якунларидан бири — Ўрта Осиёнинг табиий ресурслари — гидроресурслари ва ер ости бойликларнни ўрганиш бўйича амалга оширилган улкан ишлар бўлди. Олмалиқ мис комбинати қурилиши билан йирик Олмалиқ мис конини эксплуатация қилиш бошланади...».

Машҳур совет геологи Н. Г. Наследов Қурама тоғлари этагида мис конини очганидан сўнг кимсасиз бўлиб ётган кенг майдонда бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Қурилишга Улуғ Ватан урушидан кейин катта эътибор берила бошланди. 1949 йилда йирик «Алмаликсвинецстрой» трести ташкил этилди. Бу трест коллективи кон ва саноат корхоналари, уй-жойлар ҳамда маданий-маиший муассасалар қурилишини кенг кўламда бошлаб юборди.

1951 йилга келиб Олмалиқ шаҳарга айлантирилди. Уша вақтда унинг аҳолиси 9 минг кишига ҳам етар-етмас эди. Ҳозирги вақтда шаҳар территорияси 1365 гектар ерни эгаллаб турибди. Шу жумладан 59 гектар кўкаламзорлар барпо этилган. 1952 йилда ғишт, темир-бетон буюмлари заводлари, норуда бинокорлик материаллари карьери маҳсулот бера бошлади. Уша йили 1 миллион 758 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кейинги йилларда шаҳар саноати жуда тез суръатлар билан ривожлана борди. Янги-янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилаверди. Орадан икки йил ўтгач, қўрғошин-рух саралаш фабрикаси ва қўрғошин кони ишга туширилди. Улар Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг тўнғич корхоналари эди.

Шаҳар партия ташкилоти ва коммунистлари Олмалиқда бошланиб кетган бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлдилар.

Бу юксалиш кейинги йилларда ҳам жадал давом этаверди. Натижада 1962 йилга келиб, мис саралаш фабрикасининг биринчи навбати ва Қалмоққир кони ишга туширилди. Ана шу масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда «Алмаликсвинецстрой» трести коллективи фидокорлик кўрсатди. Бу муносиб тақдирланди. Трест Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. 400 дан ортиқ бинокор кўксига СССР орден ва медаллари тақилди. 3-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи Низом Ғозиқулов, 1-бошқарма бинокори Лидия Дудина, монтажчилар бригадирлари Мамажон Сандов ва Николай Зверовлар она-Ватанимизнинг юксак мукофотига — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган номни олишга муяссар бўлдилар.

Бу вақтга келиб Олмалиқ кон-металлургия комбинати мамлакатимиз рангли металлургиясининг йирик корхоналари қаторига ўтиб олди. Унинг конларида маъданнинг 95 проценти очиқ усул билан қазиб олинадиган бўлди. Бу мамлакатда энг арзон мис, рух ва қўрғошин олинишини таъминлади. 1963—1967 йилларда мис ишлаб чиқаришнинг биқиқ технологияси вужудга келди. 1970 йил Октябрида биринчи Узбекистон рухи олинди.

Олмалиқ йирик химия саноати маркази ҳам ҳисобланади. Бу ерда пахтачилик учун жуда ҳам зарур бўлган қимматли ўғит— аммофос ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У Олмалиқ кон-металлургия комбинати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган олтингугурт кислотаси ва Жамбул областидаги Қоратоғ фосфоритлари асосида тайёрланмоқда. Шу ерда бир рақамни келтириб ўтмоқчиман. Ҳозир шаҳримизда йилига 1 миллион тонна атрофида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимиз бўйича эса ҳар йили 16 миллион тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарилмоқда. Ёки ўғитни олиб кўрайлик. Биргина 1970 йилда химия заводи 800 минг тонна минерал ўғитни колхоз ва совхозларга етказиб берди. Бундай қимматли химия саноати маҳсулотини тайёрлаш кейинги йилларда тобора ортиб боряпти.

КПСС XXIV ва XXV съездлари қарорларида Олмалиқ кон-металлургия комбинатини янада кенгайтириш ва химия заводининг учинчи навбатини қуриш назарда тутилган. Ҳозирги вақтда олмалиқлар ана шу масъулиятли ва шарафли вазифани бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Химия заводининг учинчи навбати жадал қуриляпти. Кон-металлургия корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ортиб бораяпти. Айни вақтда саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланмоқда. Рўзғор химияси заводи, тафтинг гиламлари, мебель, тикувчилик фабрикалари ва бошқа корхоналар ҳам ҳар йили совет кишилари эҳтиёжлари учун миллионларча сўмлик турли хил маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Шаҳар маданияти ҳам юксалиб боряпти. Дастлабки йили 200 ўринли ўнтта мактаб бўлган Олмалиқда ҳозир 21 мактаб ишлаб турибди. Бу билим ўчоқларида

(Давоми иккинчи бетда).

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Наманган области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира борib, пахтачиликни интенсивлаштириш йўлини изчиллик билан амалга ошириб, фидокорона меҳнат туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар юбилей йили пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари, 26 октябрь куни бажардилар.

Давлат тайёрлов пунктларига 435 минг тоннадан зиёдроқ пахта топширилди.

Наманган областининг деҳқонлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини мунотиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенгайтириб, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини йиғиб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Улар тайёрланадиган пахта ҳосилининг умумий ҳажмини 450 минг тоннага етказишга астойдил азми-қарор қилишган, кучғайратларини 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли бажаришга ҳамда чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратмоқдалар.

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ БОСИБ ЧИҚАРДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқлари тўпламини «СССР Конституцияси тўғрисида» номи билан босиб чиқарди.

Тўпламда «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида қилинган доклад, «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида» СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қилинган доклад, редакцион комиссия ишининг якунлари тўғрисидаги ахборот ва мазкур сессиядаги якунловчи нутқ босилган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бошқа докладлари ва нутқларида совет демократияси тўғрисидаги, совет давлатининг тараққиёти, советларнинг роли, СССР янги Конституциясининг аҳамияти ҳақида баён этилган қонда ва хулосалар ҳам тўпламга киритилди. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Тўққизинчи чақириқ Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг бешинчи сессияси 1977 йил 22 ноябрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Узбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Республика халқ депутатлари Советларининг СССР Конституциясидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қилган докладидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил, 28 октябрь. Тошкент шаҳри.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 28 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида.

(Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан машиналарда бир кунда; бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	0,01	—	114,53	126,04
ЧИНОЗ	0,02	0,03	111,69	112,40
БЎКА	0,02	—	110,16	117,69
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	—	—	107,73	122,99
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,02	—	107,49	112,43
ЯНГИЙЎЛ	0,08	0,09	104,47	93,29
ПИСКЕНТ	—	—	103,27	100,58
ОҚҚЎРҒОН	0,02	—	103,02	101,64
БЕКОБОД	0,04	—	100,22	95,86
ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА:	0,03	0,01	106,54	109,52

ОЛМАЛИҚ—ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА



◆ ШАҲАРГА кираверишда ишчи ва деҳқон ҳамкорлигига ўрнатилган монумент.

ЎТТИЗ МИЛЛАТ — БИР ОИЛА

М. Р. РАМАЗОНОВ,

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори

КОМБИНАТИМИЗ коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида мисли кўрилмаган кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Ишчиларимиз СССР янги Конституцияси қабул қилинишидан бениҳоя руҳланиб, социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

ШУНИНГ учун ҳам меҳнат ютуқларимиз самарали бўлмоқда. Маҳсулот реализация қилиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажариляпти. Юбилей йилининг ўтган тўққиз ойида мижозларга пландагидан ташқари анча кўп рангли металлургия маҳсулотлари етказиб берилди. Кўп минг кишилик коллективимиз шонли юбилейини яратувчилик кучлари барқ урган, Ўзбекистон рангли металлургиясини ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан асосли равишда ғурурланиш ҳисси билан байрам қилмоқда.

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ленинча планларнинг бутун улуғворлиги бизнинг комбинатимиз тақдирида ҳам акс этган. Ҳозирги шаҳримиз ўрнидаги кенг кимсасиз майдонга биринчи бор совет кишиси қадам қўйганига чорак аср бўлди. Ўша вақтда асрлар давомида ер остида ястаниб ётган рангли металларнинг табиий тилсимотларига қўл урилди, кон-металлургия гигантининг корпуслари қурила бошланди.

1954 йилда Қўрғошинкон ва Олтинтопган конлари фойдаланишга топширилди. Сўнгра қўрғошин-рух саралаш фабрикаси маҳсулот бера бошлади. Орадан тўрт йил ўтгач давлат комиссияси комбинатнинг биринчи навбатини фойдаланишга қабул қилди. Яна икки йилдан кейин тармоқнинг энг йирик корхонаси Қалмоққир кони, 1962 йилда эса мис саралаш фабрикасининг биринчи навбати ишлаб турган корхоналар сафига қўшилди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги нишонланганда комбинатимизга улуғ доҳийнинг номи берилди. Бу ҳар биримизга чексиз ғурур бахш этди, айни вақтда коллектив меҳнати натижасига нисбатан масъулиятимизни оширди. Улуғ номга муносиб меҳнат қилиш коллективимиз ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчи бўлиб қолди.

Кейинги йилларда ҳам корхонамизни кенгайтириш ишлари давом эттирилди. 1964 йилда мис эритиш заводи, орадан олти йил ўтгач эса рух заводи маҳсулот бера бошлади. Тўққизинчи беш йиллик йилларида қатор янги конлар, рух заводининг иккинчи навбати ишга туширилди.

Ҳозирги вақтда комбинатимиз СССР рангли металлургиясининг энг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳар йили юзларча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Улар 210 та мижозга етказиб берилмоқда. Мижозларимиз орасида чет элликлари ҳам анчагина.

Металлургия газларидан олинадиган олтингугурт кислотаси Олмалиқда йирик химия заводи қурилиши учун негиз бўлди. Ҳозир бу кислота асосидан ҳар йили юз минглаб тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилмоқда.

Комбинатимиз бутун чор Россиясидаги барча мис эритиш заводлари ишлаб чиқарганига қараганда бир неча баравар кўп мис тайёрламоқда. Ўзбекистон рангли металлургиясининг тўнғич корхонаси ривожланибгина қолмай, унинг ишчи-хизматчилари онгини ўстиришга ёрдам бермоқда. Чунки ҳозирги ишчимиз юксак малакали, сиёсий жиҳатдан ўқимишли, ўрта маълумотга эга бўлган мутахассисдир.

Комбинатимиз корхоналари ва конларининг аҳил оиласида ўттиздан ортиқ миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Ўзбеклар, руслар, тожиклар, татарлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари бақамжиҳат ишлашяпти. Улар орасида 1500 дан ортиқ меҳнат ветеранлари бор. Ажойиб меҳнатсеварлар Мирсаид Салимов, Раҳмат Бобоев, Сайдулла Абдувалиев, Иван Григорьевич Сушчик, Герман Петрович Рижаков, Евгений Яковлевич Лиховидларнинг номи бутун коллективимиз ўртасида машҳур. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бурғулаш станоги машинисти Қосим Фозилович Сафаров, Михаил Ильич Толмачев, Вениамин Родионович Подвигинлар коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Давлат мукофоти лауреати В. Р. Подвигин комбинатда салкам ўттиз йилдан бери ишлаб келаяпти.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қарорларини амалга ошириш учун курашаётган коллективимиз қисқа муддатда корхонани техник жиҳатдан қайта ускуналади. Прогрессив технология жорий қилинди. Бу маҳсулот ҳажмини кўпайтириш қатори сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, лойиҳа қувватларини қисқа муддатларда ўзлаштиришга олиб келди.

Ҳозирги вақтда конларимизда чўмичи ҳажми 6—8—12 куб метр бўлган юксак унумли қудратли экскаваторлар, замонавий бурғулаш станоклари, 40 тоннагача юк кўтарадиган автосамосваллар, электровозлар ишлаб турибди. Экскаваторларнинг унумдорлиги бўйича тармоқда энг яхши кўрсаткичга эришдик. Ер остида кон ишларини амалга оширишда ҳам янги, янада такомиллашган техника воситалари фойдаланилмоқда.

Мамлакат металлургия ишлаб чиқаришида биринчи бўлиб мис концентратларини кислород-машъала ёрдамида эритиш жараёни, тўхтовсиз қуйиш ва мис ғўлаларини прокат қилиш жараёнлари ўзлаштирилди. Лекин биз технологияни янада такомиллаштириш, хомашёдан комплекс фойдаланишни кенгайтириш устида қатъийлик билан иш олиб боряпмиз. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда қазиб олинаётган маъданлардан металлар ажратиб олиш кўпайтирилди, маҳсулотнинг янги турларини олишни ўзлаштирдик.

Комбинат коллективи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Тўққизинчи беш йилликда ва ўнинчи беш йилликнинг ўтган даврида меҳнат унумдорлиги 49 процент ўсди. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига ҳар йили 130 миллион сўмдан фойда олинмоқда.

Комбинатимиз рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида эришган ютуқлари учун 1966 йилда Ленин ордени билан мукофотланган эди.

Коллективимиз ўзининг меҳнат натижаларини янада самарали бўлишига эришиш йўлида ҳамон қизғин кураш олиб бормоқда.







● ШАҲАР конлари ва корхоналарида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан мусобақа авж олиб кетган. Унда иштирок этаётган илғор ишчилар меҳнатда яхши кўрсаткичга эришмоқдалар. Суратларда: гилам фабрикасининг пардозловчиси Санобар Эгамова, химия заводининг технологик асбоб-ускуналари бўйича слесари Норхўжа Миноваров [ўнгда] ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан коллективдаги ҳурматини қозонганлардан. Пастдаги суратда эса Қалмоққир конида маъданни вагонларга ортиш жараёни тасвир этилган.

А. Абалян ва В. Смироткин фотолари.

ЎН ЮЛДУЗНИНГ БИРИ

[Бошн 1-бетда].

шаҳар меҳнаткашларининг 17 мингдан ортиқ фарзандлари фан сирларини ўрганмоқдалар. А. Беруний номидаги Тошкент политехника институти кон-металлургия факультетининг кечки бўлими шаҳар корхоналари ва қурилиш-монтаж ташкилотлари учун юксак малакали кадрлар етказиб бермоқда. Бундан ташқари, кон-металлургия техникуми, 4 та ҳунар-техника билим юртларида 50 га яқин ихтисос бўйича мутахассислар тайёрланяпти.

Шаҳарда маданий-маиший, тиббий муассасалар сони ҳам йилдан-йилга ортиб боряпти. Кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар, металлургларнинг маданият саройи, маданий дам олиш ва истироҳат боғлари доим шаҳар меҳнаткашларининг хизматида.

Шу кунларда шаҳардаги қайси бир корхона ёки ташкилотда бўлманг, зўр ғайрат-шижоат билан фидокорона қилинаётган меҳнатнинг гувоҳи бўласиз. Бутун мамлакатимиздаги каби олмалиқликлар ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили давлат планларини зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақани авж олдириб ишламоқдалар. Уларнинг меҳнат зафарлари салмоқли бўлмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишда янги-янги ютуқлар қўлга киритиляпти.

Саноат корхоналаримиз коллективлари юбилей йилининг ўтган тўққиз ойини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Пландагидан ташқари 4 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Шаҳар меҳнаткашлари эришган бу ютуққа руҳ, химия ва сут заводлари, мебель ва гилам фабрикалари ҳамда бошқа қатор корхоналарнинг коллективлари муносиб хисса қўшдилар. Улар корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти, мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти.

Бу йил Давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар тури анча кўпайди. Ҳозир 23 хил буюм шарафли беш қирра билан тайёрланмоқда. Бу шаҳар бўйича реализация қилинаётган жами маҳсулот хажмининг 18 процентини ташкил этади.

Барча меҳнат коллективларида коммунистлар мусобақага бошчилик қилишяпти. Улар жуда кўп ватанпарварлик ташаббусларни билан чиқишди. Қалмоққир конининг экскаватор машинисти КПСС аъзоси М. Н. Нарушев Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача ўнинчи беш йиллигининг икки йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиқди. У ўз ваъдасини муддатидан илгари ўринлатди. Шу йилнинг 20 августидан 1978 йил ҳисобига ишлай бошлади. Ишчилардан 500 дан ортиқ киши 2 йиллик норманн бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Химия заводи экстракция цехининг Лузин бошчилигидаги иккинчи сменаси, рўзғор химияси заводининг Хожиахматов раҳбарлик қилаётган бригадаси коллективлари ҳам шу кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот беришяпти.

СССР янги Конституцияси қабул қилинишидан чексиз руҳланган шаҳаримиз меҳнаткашлари юбилей йили вахтасининг сўнгги босқичини ҳам яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун барча резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

Н. ГОЗИҚУЛОВ,

«Алмалиқсвинецстрой» трести комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор

БУГУНГИ Олмалиқнинг кўрки ва латофати ўзгача. Унинг мафтункор ҳуснн-жамолига тўймайсан киши. Корхоналарнинг гигант корпуслари, поёни йўқ конлари, ҳашаматли маданий-маиший бинолари, осмонга бўй чўзган кўп қаватли уй-жойлари қалбга чексиз қувонч ва ҳузур бахш этади. Кенг ва текис кўчалари, ям-яшил ҳиёбонлари, гўзал истироҳат боғлари кишига ором беради.

ШУЛАРНИНГ ҳаммаси трестимиз коллективи бунёдкорлик меҳнатининг меваларидир. Шунинг учун ҳам бу корпусу бинолар ҳар бирмизнинг қалбимизга жуда яқин. Бу катта-кичик биноларни, уй-жой массивларини, саноат корхоналарини ўзимизнинг қадоқ қўлларимиз билан барпо этганмиз. Уларга қалбимиз қўри, қонжонимиз ҳам сингиб кетган. Шунинг учун ҳам фидокорона меҳнатимизга қўйилган абадий ҳайкаллардек қомат кериб турган ҳар бир бино, шаҳримизнинг бугунги тенгги йўқ кўркам қиёфасини кўрганда ўзимизда йўқ хурсанд бўламиз.

Ҳа, шаҳримизнинг ҳар бир бинокори бу билан ғурурланади. Шаҳримиз — фахримиз дейишимнинг маъноси ҳам худди ана шундан. Ҳали-ҳали эсимда, Ангрендаги фабрика-завод ўқувини тугатганимдан сўнг бинокорлик касбини эгалладим. Шаҳардаги разрез қурилишида бир неча ой ишлаганимдан сўнг Олмалиққа келдим.

Уша вақтда шаҳарнинг ҳозиргн қиёфасидан ном-нишона ҳам йўқ эди. Бир неча минг аҳоли яшайдиган мўъжазгина посёлка эди. Биноларн ҳам пастак-пастак, кўримсиз эди. Кўчалари тор ва қишда ботқоқ, ёзда тупроқ бўларди. Ана шундай бир шароитда бутун бир янги шаҳар қурилиши бошлаб юборилди. Мен ҳам ана шу хайрли ишда қатнашишга аҳд қилдим.

Шаҳар қурилиши билан бирга янги-янги конларни очиш, саноат корхоналари бунёд этиш давом этаверди. Бу ишнинг асосий оғирлиги трестимиз бинокорларн зиммасида бўлди. Уз сафига минглаб қурувчиларни бирлаштирган коллективимиз порлоқ истиқбол режаларини амалга оширишга астойдил бел боғладилар. Иш шароитининг нисбатан оғир бўлишига, асосий жараёнлар қўл кучи билан бажарилишига қарамай, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳримиз ана шу қўли гул, меҳри гиё қурувчилар кафтида қад кўтарди, десак муболага қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам шаҳримизнинг каттаканкичик ҳар бир истиқомат қилувчиси бинокорлар ҳурматини, иззат-икромини ўрнига кўяди.

Трестимиз коллективининг чорак асрдан ошиқроқ вақтдан бери амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари муносиб тақдирланмоқда. СССР Олий Совети Президиумининг 1963 йил 12 январдаги Фармони билан Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишга туширишдаги катта хизматларн ҳисобга олиниб, трестимиз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Амалга оширган ишларимизнинг кўламн нақадар катта эканлигини кўрсатувчи бир мисол келтираман. Бинокорларимиз етти йиллик, саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар давомида ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан бирга 600 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирдик. Биргина тўққизинчи беш йилликда химия заводининг иккинчи навбати, рўзғор химияси заводи, тошга ишлов бериш комбинати қурилди. Кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший бинолар бунёд этилди. Шаҳарда бунёд этган уй-жойларимизнинг умумий майдони 834 минг 613 квадрат метрни ташкил этди. Трестимиз бинокорларининг бунёдкорлик иши кўлами ана шундай улкандир.

Бунёдкорларимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун ҳам хормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Йил бошидан бери 15 минг квадрат метр атрофида уй-жойлар, 140 ўринли болалар боғчаси, 1568 ўринли мактаб, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида учта саноат объекти, химия заводининг профилактор-рийси, қатор бошқа объектларнн фойдаланишга топширдик.

Биз бундан буён ҳам шаҳримиз кўркига-кўрк қўшишдек фахрли ва шарафли ишимизни тез ва соз давом эттираверамиз.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

◆ ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан 1951 йилда ташкил этилган Олмалиқ шаҳрида 8716 аҳоли яшарди. Ҳозир шаҳар аҳолисининг сони 100 минг кишига яқинлашиб қолди.

◆ БУНДАН чорак аср илгари шаҳардаги уй-жойларнинг фойдали майдони 20 минг 120-квадрат метрни ташкил этган бўлса, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилига келиб, 964 минг 300 квадрат метрга етди. Аҳоли ўз жамғарган маблағи ва давлат томонидан берилган ёрдам эвазига 6361 та уй қуриб олди. Бу уйларнинг умумий майдони 273 минг 760 квадрат метрни ташкил этади.

◆ 1951 ЙИЛДА фақатгина битта 200 ўринли мактаб ишлаб турган бўлса, ҳозирги вақтда мактаблар сони 21 тага етди. Бу ўқув юртларида 17100 ўғил-қиз таълим олмоқда.

◆ ДАСТЛАБКИ йили шаҳарда 55 ўринли биттагина касалхона бор эди. Эндиликда уларнинг сони саккизтага етди. Бу касалхоналарда бир йўла 1225 киши даволаниши мумкин.

◆ ШАҲАР ташкил этилган дастлабки йилда 1 миллион 758 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган эди. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 615 миллион сўмлик юзлаб хил оғир, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари етказиб бердилар.

◆ БУНДАН чорак аср илгари асосий фондларнинг қиймати 2 миллион 170 минг сўмлик эди. Бу йил бу кўрсаткич 635 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

◆ ОЛМАЛИҚЛИКЛАР фаровонлигининг тинмай ортиб бориши уларга кўрсатилаётган турли-туман хизматларнинг янада кенгайишига олиб келаяпти. Агар 1951 йилда чакана товар обороти 1 миллион 16 минг сўмликни ташкил этган бўлса бу йил у 75 миллион 890 минг сўмликни ташкил этади.

◆ АСОСИЙ транспорт воситаси ҳисобланган автомобиллар билан юк ташиш ҳажми йилдан-йилга ортиб боряпти. Агар 1951 йилда автомобиль транспорти ёрдамида 3 миллион 150 минг тонна юк ташилган бўлса, ўтган йили 52 миллион тоннадан кўпроқ юк ташилди.

ЗАРБДОР СУРЪАТ

В. Н. ХОРОШОВ,

рух заводи партия комитети секретари

ШУ КУНЛАРДА бутун совет халқи каби корхонамиз коллективи ҳам СССР янги Конституцияси таъсири билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Бахтимиз қомуси барча ишчи-хизматчиларимиз куч-ғайратини янада авж олдириб юборди.

КОЛЛЕКТИВИМИЗ кишилик тарихида янги давр — социалистик даврга асос солган Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун мисли кўрилмаган шижоаткорлик билан ишламоқда. Шу улуғ айём шарафига бошланган зарбдор меҳнат вахтаси йил бошидан бери давом этяпти. Бу катта-катта зафарлар омили бўлмоқда.

Шундай улуғ айём арафасида корхонамиз тарихига яна бир назар ташлаб ўтмоқчимиз. Заводимиз КПСС XXIII съезди қарори асосида бунёд этила бошланди. Орадан қисқа вақт ўтгач, Улуғ Октябрнинг 53 йиллиги байрами арафасида маҳсулот бера бошлади. Ўзбекистоннинг биринчи рух метали 1970 йил 30 сентябрда олинди. Орадан бир ой ўтгач, кадмийнинг дастлабки ғўласи ишлаб чиқарилди.

Коллективимиз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори технологияни такомиллаштириш йўлида жуда кўп тадбирлар кўрди. Бунинг натижасида илгари чиқиндига чиқариб ташланадиган хомашёдан қимматли металлар олиш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда биз етти хил маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз.

Тайёрланаётган маҳсулотларга мамлакатимиз ва қатор чет эл давлатларида эҳтиёж ортиб бормоқда. Ҳозир металларни она-Ватанимиздаги 60 та шаҳарга ва деярлик барча социалистик давлатларга етказиб беряпмиз. Талаб кучайган сари маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида ҳам мунтасил қайғурилмоқда. Қатор операцияларни такомиллаштириш, технология режимини янада юксалтириш туфайли айрим маҳсулотлар сифати жаҳон стандартлари даражасида бўлишига эришдик. Ҳозир металл рухи ва металл кадмий давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Қатор маҳсулот турлари юксак сифат категориясини олди.

Коллективимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммасига олган юксак мажбуриятини шараф билан бажармоқда. Биз йил давомида пландан ташқари юзлаб тонна олтингугурт кислотаси, ўнларча тонна нодир металлар, ҳаммаси бўлиб қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга ваъда берган эдик. Бу мажбурият СССР янги Конституцияси қабул қилинган СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси очилиши арафасида тўла адо этилди.

Шундан сўнг зиммага янги оширилган мажбурият олинди. Бунда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифати ни янада ошириш назарда тутилган. Ҳозир корхонамиз барча цехларида ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун қизғин кураш бормоқда.

Социалистик мусобақада қатор коллективлар ва айрим ишчилар юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ғолиблар ҳақида гапирганда аввало, тамара Засмолина раҳбарлик қилаётган смена коллективини биринчи бўлиб тилга олгинг келади. Корхонада Улуғ Октябрь шарафига бошланган социалистик мусобақанинг ташаббускорларидан бири бўлган бу смена аъзолари коллективимиз ютуқларига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Электролит цехининг катодчиси Я. Шефер, шу цех эритувчилари А. Тошмуҳамедов, П. Пронягин, ишқорлаш цехи аппаратчилари А. Павлов, В. Жданов ва бошқалар номини корхонамизда ҳурмат билан тилга олишади. Чунки улар доим нормани ошириб бажаришяпти ва фақат сифатли маҳсулот беришяпти.

Заводимиз коллективи шу йилнинг ўтган ойларида пландагидан анча кўпроқ маҳсулот реализация қилди. Бундай ютуққа ишлаб чиқариш барча бўлинмаларининг бир меъёрда ишлаши туфайли эришилди. Биз эришилган бу ютуқни янада мустаҳкамлаймиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун барча резерв ва имкониятларни ишга соламиз.





● ШАҲАРДА кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу суратда кейинги йилларда қад кўтарган ҳашаматли янги биноларни кўриб турибсиз.

БУГУН—КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

ЯШАСИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИСИ ВА ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ, КОММУНИЗМ ЁШ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ИЛҒОР ОТРЯДИ—ЛЕНИН КОМСОМОЛИ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ПАРТИЯ ИШИГА СОДИҚ АВЛОД

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ О. ИСМОИЛОВ БИЛАН СУҲБАТ.

Бу йил биз Ленин комсомоли туғилган кунни алоҳида бир вазиятда нишонламоқдамиз. Яна бир неча кундан сўнг совет халқи, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини зўр шоду-ҳуррамлик билан кутиб олади.

Тарихан қисқа вақт ичида эришган оламшумул ғалабаларимиз Октябрь номи билан боғлиқдир. Улуғ Октябрф туфайли бепоён ўлкамиз узра янги ҳаёт тонгги отди, эркинлик ва тенглик қарор топди. Шу боисдан ҳам меҳнат зафарларимизни партияга, Октябрга бағишлаяпмиз.

Меҳнат коллективлари юбилей йилини ўзгача руҳ, ўзгача ғайрат билан бошлаган эдилар. Ёш ишчилар ва деҳқонлар йил бошида ажойиб ташаббуслар билан чиқдилар. Улар юбилейгача ўниничи беш йилликнинг дастлабки икки йили планини бажариш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун кураш бошладилар. Область комсомол комитети ёшларнинг бу ватанпарварлик ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватлади.

Шу-шу юбилей мусобақаси кун сайин ривожланиб борди. «Ташсельмаш», «Чирчиқсельмаш» заводлари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотлари ташаббусига 326 нинг йигит ва қиз қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталик эълон қилдилар. Шу кунгача 24,5 минг дан ортиқ ташаббускор ишчи йиллик планни муддатидан олдин бажарганлигини тўғрисида ғалаба рапорти берди. 1170 дан ортиқ ёш ишчи эса беш йилликнинг дастлабки уч йили топшириғини муваффақиятли бажарди.

Бу йил мусобақанинг турли формалари қарор топди. Бир группа комсомоллар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида «Аврора» крейсери олдида суратга тушиш ҳуқуқини олиш учун мусобақа бошладилар. Ангрен кўмир разрези тоғ мастери Маҳаматали Алимов ва Чирчиқ трансформатор заводи токарлар бригадаси бошлиғи Каримберди Алимбоев областда биринчи бўлиб бу шарафли ҳуқуққа эришдилар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси давомида комсомол ташкилотлари ёшлар маҳоратини оширишга, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бердилар. Ишлаб чиқаришнинг энг масъулиятли участкаларида 2215 та комсомол штаби ва постлари тузилди. Штаб ва пост аъзолари асосий маҳсулот сифатини яхшилаш устида қайғурдилар. Ҳозирги кунда комсомоллар давлат Сифат белгиси билан чиқаётган маҳсулотларнинг 170 хилига оталиқ қилишяпти.

Эрта баҳордан қилинган самарали меҳнат кеч кузда дилларни қувончга тўлдирди. Бепоён далаларда ҳар қачонгидан ҳам кўп ҳосил тўпланди. 177 та комсомол-ёшлар бригадаси давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммасидаги социалистик мажбуриятини муддатидан олдин адо этди. 12 та коллектив эса далалардан 50 центнердан оширib ҳосил йиғиштириб олди.

Бугунги кунда биз Қўйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхозининг Турди Қосимова, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг Ким Валентин, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг Ислом Икромов ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари эришган ютуқларини алоҳида таъкидламоқчимиз. Улар гектар бошига ўртача 55 центнердан ҳосил етиштирдилар ва машиналар билан тўла йиғиштириб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг пойтахт области пахтакорлари зафарини қутлаб йўллаган мактубида ёш соҳибкорлар эришган муваффақиятлар ҳам алоҳида тилга олинган.

Юбилей йилида пахтакорлар билан бирга маккажўхорикорлар, чорвадорлар ҳам юксак марраларни эгалладилар. Бизда маккажўхоридан йил сайини мўл ҳосил олаётган ёш деҳқонлар оз эмас. Оржоникидзе район «Коммунист» колхозидаги Тамара Шоғиёсова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ўзлари учун ажратилган майдондан бу йил 114 центнердан «қаҳрабо дон» етиштириб олдилар. Давлатга 456 тонна маккажўхори дони етказиб берилди. Бу илғари зиммага олинган мажбуриятдан анча кўпдир.

Бўка районидаги Тимирязев номли колхознинг Аҳадқул Қурбонов раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ҳам самарали меҳнатлари билан Ватанни мамнун этдилар. Улар ҳосилдорликни 105 центнерга етказиб, давлат хирмонига 735 тонна «қаҳрабо дон» тўкдилар. Бундай мнришкорлар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Умуман, комсомолларимиз чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга бу йил алоҳида эътибор бердилар. 800 йиғит-қиз комсомол йўлланмаси билан баҳорда қишлоқларга йўл олди. Улар қисқа вақт ичида чорва учун салкам 500 минг тонна дағал хашак тайёрлаб бердилар.

Партия даъвати билан комсомоллар қишлоқ мактабларини ўз оталиқларига олганлар. Улар ҳиссаси билан бу йил 173 ўқув кабинети, 86 пионер хонаси қайта ускуналанди, 145 та спорт иншоотлари қурилди.

Ҳозирги кунда революцион шон-шуҳрат ҳафталигини ўтказаяпмиз. Бу ҳафталикда ёшлар революция, Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашмоқдалар, турли темалардаги конкурсларда иштирок этмоқдалар. Бу тадбирларда улар партия ишига содиқ эканликларини намойиш қилмоқдалар.

СССР янги Конституцияси ёшлар қалбидаги Ватанга муҳаббат ҳис-туйғуларини яна ҳам жўш урдириб юборди. Ёшлар ҳаётимизнинг Асосий Қонунини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар, коммунистчасига яшашга ва меҳнат қилишга интилмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, шонли айёмларни янги зафарлар билан кутиб олаётган ёшларимиз йилни ҳам муваффақиятли якунлайдилар.



Суратда: Тошкент область комсомол комитети ҳузуридаги ветеран комсомолчилар Совети аъзоларидан бир группасини кўриб турибсиз.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

28 октябрь куни В. И. Ленин номидаги Марказий музейнинг Тошкент филиалида Ўзбекистон колхоз-совхозлари тарихи жамоатчилик институти республика ҳамда Тошкент область советларининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ҳамда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганлигига бағишланган тантанали қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ветеранларининг 200 дан зиёдроқ вакили қатнашди.

Ўзбекистон колхоз-совхозлари тарихи жамоатчилик институтининг республика совети раиси, Ўзбекистон ССР фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Э. Ю. Юсупов доклад қилди.

Тантанали мажлисда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев иштирок этди.

Б. ХАКИМОВ.

НАВҚИРОН ҚАЛБ

АСОМ ака Иноғомовнинг ёши 80 га яқинлашиб қолган бўлсада, ҳамон у ўзини ленинчи ёшлар Союзининг шижоатли аъзоларидек ҳис этади. Учрашувларга борганида ҳукумат тақдим этган орден ва медаллар ёнига комсомол нишонини ҳам тақиб олади.

Довюрак Асом Совет ҳокимиятининг душманларига қарши курашларда тобланди. 1924 йилнинг май ойида Тошкент округ комсомол комитетида ишлай бошлади. Асомнинг ташкилотчилиги билан Себзор даҳасида Қўшчи ёшлар ячейкаси ташкил этилди.

Ўтюрак комсомол Асом Иноғомов тез кунда ёшлар ўртасида катта обрў қозонди. Шу боисдан ҳам уни Эски шаҳар район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайлашди. Айни пайтда у Эски шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги болалар комиссияси раиси ҳам эди. Уша пайтда бу комиссия етим болалар таълим-тарбияси билан шуғулланар эди.

Ер-сув ислоҳатини ўтказишда ҳам Асом ака Иноғомов актив иштирок этди. У Ниёзбек даҳаси бўйича тузилган ер ислоҳати комиссиясининг аъзоси эди. Комиссия аъзолари партия топшириғини бажара бориб, бойлар ерини мусодара қилишди, колхозлар тузишда актив қатнашишди.

Асом ака ҳозир Тошкент область комсомол комитети ҳузуридаги ветеранлар Советининг аъзоси. Мактабларда, завод ва фабрикаларда ўтказилаётган уч авлод учрашувларида қатнашиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги олдидан ёшларга Совет халқи босиб ўтган шонли йўл тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқда.

С. ЯХИН,
комсомол ветерани.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ 1977—78 ЙИЛГИ МАВСУМДА ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ, МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ

ТАДБИРЛАРИ

Чиноз райони қишлоқ меҳнаткашлари партия XXV съезди белгилаб берган режаларни бажара бориб, КПСС Марказий Комитети 1977 йил октябрь Пленуми қарорлари ҳамда СССР янги Конституцияси қабул қилиниши туфайли вужудга келган юксак сиёсий жўшқинлик вазиятида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юбилей йилини янги муваффақиятлар билан нишонламоқдалар.

Партия ва ҳукумат чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Район қишлоқ хўжалиги меҳнакашлари мамлакат пахтакор республикаларининг партия-хўжалик активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг бергач йўл-йўриқларини бажара бориб, ўтган уч йил мобайнида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотишни анча кўпайтирдилар. Сигирларнинг сони 28 процент ортди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 704 килограмм ёки 24 процент кўпайди, ялпи сут етиштириш 1,4 баравар ортди. Бу йилмаҳсулот тайёрлаш планлари муддатидан илгари бажарилди: гўшт тайёрлаш 102 процент, сут тайёрлаш 110 процент, тухум тайёрлаш 134 процент, жун тайёрлаш 105 процент қилиб адо этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1977—78 йилги мавсумда чорва қишловининг мувоффақиятли ўтказилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат миришкор чорвадорларига йўллаган мактуби қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида қизғин маъқулланиб, кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ана шу мактубда бундай дейилган: «...Сизлар қиш фаслида ҳам чорва ва парранданинг юксак маҳсулдорлигига, уни кўпайтириш ва тўла-тўкис сақлаб қолишга эришиш, фермалар маҳсулоти етиштиришни ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш мумкинлигини мутлақо ҳақли равишда таъкидлагансизлар. Аммо бунинг учун қишловни яхши ташкил этиш, резервлардан моҳирона фойдаланиш, емхашакнинг ҳар килограммини энг кўп самара берадиган қилиб сарфлаш, ишлаб чиқариш технологиясини пухта ташкил этиш лозим». Бу маслаҳатлар ферма ходимлари учун ҳаракат программаси бўлиб қолди. Чиноз районининг чорвадорлари чорвачиликнинг тобора ўсиб бораётган моддий-техника базасига ва унинг озуқа базаси мустаҳкамланаётганлигига таяниб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошира бориб, 1978 йилда ва беш йилликнинг ундан кейинги йилларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотишни планларини ортиғи билан бажаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Ҳозир асосий эътибор чорва қишловини ўтказишга қаратилмоқда. Ҳамма чорвачилик бинолари ремонт қилиб қўйилди, фермалар хашак ва ширали озуқалар билан етарли миқдорда таъминланди. Ҳар бир бош шартли қорамолга 20,6 центнер хашак ва сенаж, ҳар бир сигирга 12,6 тонна силос ғамлаб қўйилди, жами 25 минг тонна озуқа бирлиги ёки эҳтиёжнинг 106 процентн миқдорида озуқа тайёрланди. Озуқанинг ҳаммаси ҳисобга олиниб, уни сарфлаш устидан назорат ўрнатилди; озуқанинг ҳар бир килограммидан ғоят самарали фойдаланилади, хашак қирқиб, мазали қўшимчалар қўшиб берилади. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда озуқа цехи ва ем-хашакни қайта ишлайдиган машиналар тахт қилиб қўйилди ва улар тўхтовсиз ишлаб туради. Фермаларнинг ҳаммаси малакали кадрлар билан таъминланди. Қишлов даврида чорванинг намунали парвариш қилиниши ва асралиши таъминланадики, бу чорва ва паррандаларни, улардан олинадиган наслни тўла сақлаб қолиш имкониятини беради.

1977—78 йилнинг қиш даврида ўтган йилнинг қишига нисбатан 10 процент кўп сут ғўшт ва 15 процент кўп сут етиштириш мўлжалланган. Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш эса 14 процент ортади ва олти ой ичида 1870 килограммни ташкил этади.

1978 йилда сут етиштиришни 16,3 минг тоннага, гўшт етиштиришни 2,1 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Давлатга 14.400 тонна сут, 1950 тонна гўшт, 1 миллион 200 минг дона тухум сотилади. Бу 1977 йилда кутилаётган харид даражасидан гўшт 18 процент, сут 40 процент кўп демакдир. Район 1978 йилда давлатга сут сотиш юзасидан 1979 йил даражасига етиб олади, гўшт ва сутни эса 1980 йилга мўлжалланганидан кўпроқ етказиб беради.

Чорвачилик маҳсулотя етиштириш ва уни давлатга сотишнинг бундай даражасига эришиш учун тармоқни янада интенсивлаштириш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, шунингдек аҳоли қўлидаги чорвачилик маҳсулотларининг ортиқчасини харид қилишни кўпайтириш юзасидан тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилади.

Район чорвадорлари 1978 йилда сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни ўрта ҳисобда 3 минг 700 килограммга етказиш учун курашмоқдалар. «Чиноз» наслчилик совхозтехникумининг коллективи эса ҳар бир сигирдан 4750 килограммдан «Партия XXIV съезди» совхози 4 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилди.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли колхознинг сут соғувчиси, мамлакат моҳир чорвадорларининг Л. И. Брежневга йўллаган мактубига имзо чеккан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исоқованинг тешаббусига қўшилиб, «Чиноз» наслчилик совхозтехникумининг сут соғувчиси Н. И. Письменная 1978 йилда ҳар бир сигирдан 6050 килограмм, «Партия XXIV съезди» совхозидан Е. Т. Шереметьева 6000 килограмм, Ф. Ш. Бекулова 5800 килограмм, О. Халибулова 4100 килограмм, К. Маркс номли колхоздан А. Сангилова 4000 килограмм сут соғиб бериш мажбуриятини олдилар.

Сермаҳсул ва серқаймоқ сутли сигирлардан сунъий уруғлантириш йўли билан олинган ғунажинларни парвариш қилиб, кейинги йилларда сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш мўлжалланмоқдаки, бу эса сигирлар подасини йилига 500 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ сут берадиган жониворлар билан тўлдириш имконини беради. Гўштга боқиладиган новвослар ўстириш ва сўкимга боқиш учун интенсослаштирилган комплекслар ҳамда колхозлараро бўрдоқичилик комплексларига реализация қилинади.

Район хўжаликларида чорва молларни сўкимга боқишнинг интенсив йўлларини кенг қўлланиш туфайли давлатга сотиладиган ҳар битта қора молнинг ўртача вазнини 450 килограммга қадар, бўрдоқи қўйнинг ўртача вазнини 50 килограммга қадар етказиш мўлжаллаб қўйилди. Колхозлараро бўрдоқичилик базасидан Фармон Раҳмонқулов, «Чиноз» наслчилик совхозтехникумидан Зокир Хабибулин ўстириладиган ва сўкимга боқиладиган қорамолнинг бир кеча-кундузда этига минг грамм эт қўшиш мажбуриятини олдилар. Гўшт етиштиришни кўпайтириш учун йилига 12 та паррандахонада 70 минг жўжа гўштга боқилади.

Маҳсулот сифатини ошириш учун давлатга 97 процент сортли сут сотиш, шундан 90 процентини биринчи сортга сотиш, молнинг 90 процентини юқори семизликда сотиш вазифаси қўйилган. 1978 йилда чорвачилик маҳсулотининг таннархи 5 процент камайтирилади.

Район деҳқонлари алмашлаб экишни ўзлаштиришни жадаллаштириш, оралиқ ва такрор экинларни экишни кенг қўлланиш негизида озуқа етиштиришни янада кўпайтиришга эришишни, фермаларни тўқ тутадиган озуқалар билан гарантияли таъминлашни мўлжалланмоқдалар. Озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш билан бир қаторда 1978 йилда беда ҳосилдорлигини 200 центнерга, маккажўхори дони ҳосилини 100 центнерга, силос бўладиган кўкпояни гектар бошига 500 центнерга етказиш, ем-хашак етиштириш ва тайёрлаш илғор технологиясини кенг жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Ўниничи беш йилликнинг кейинги йилларида чорвачиликни интенсив ривожлантириш негизида сигирларни 1980 йилда 1975 йилга нисбатан 1,9 баравар кўпайтириш, сут етиштириш ва уни давлатга сотишни икки баравар ошириш мўлжалланади. Гўшт етиштириш 1977 йилда эришилган даражага нисбатан ярим баравар, тухум етиштириш эса икки баравар кўпаяди.

Район чорвадорлари 1977—78 йилнинг қиш мавсумида ва ўниничи беш йилликнинг шундан кейинги йилларида мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун барча ички резервлар ва имкониятларни ишга соладилар, чорва қишловининг муваффақиятли якунланишини таъминлайдилар, чорвачиликни бундан кейин ҳам интенсив ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратадилар ва республикадаги фермаларнинг барча меҳнаткашларини ўзларидан ибрат олишга даъват этадилар.

Бу тадбирлар Чиноз район колхозлари ва совхозларининг коллективларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ЭРТАГА—АВТОТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАМИЗ

Жамоат транспортини янада ривожлантириш партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиси тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги ёркин кўринишларидан биридир. Биз, пассажир автотранспорти ходимларининг олдимизда турган вазифа мана шу масалаларни ўз вақтида шараф билан адо этишдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Тошкент шаҳрида қурилиш суръатини ва ободонлаштиришни янада тезлаштириш тўғрисидаги қарори ҳамда шаҳар партия комитети Пленумининг қарорларини дастуруламал қилиб олган коллективимиз пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш базасини жадал ривожлантириш ва шу асосда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган ярим давр ичида мингта машинага мўлжалланган кўп қаватли 2-автокомбинат қуриб фойдаланишга топширилди, барча автокорхоналарда, цех ва участкалар кенгайтирди ва реконструкция қилинди, иссиқлик ва энергия таъминотининг муҳим масалалари ҳал этилди. Шунингдек, 7- ва 18-автопаркларда 16 минг квадрат метр майдонда автобус турар-жойлари йиғма темир-бетондан қурилди. Бу иш 4- ва 12-автопаркларда ҳам бошлаб юборилди.

Автотранспорт ходимлари, асосан ҳайдовчилар иш шароитини яхшилаш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили 400 ўринли янги ётоқхона фойдаланишга топширилди, соғломлаштириш профилакторийсида йил давомида 1100 киши даволаш курсини ўтди. Ҳайдовчилар тўғрисида кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлар автокорхоналарда кадрлар кўнимсизлигини кескин камайтиришга олиб келмоқда. Шунингдек, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш Бош бошқармамиз коллективининг диққат-эътиборида турган муҳим масалалардан биридир. Бу борада автобус ҳайдовчилари тайёрлайдиган махсус курснинг ташкил этилганлиги диққатга сазовор. Бу курсни битирганлар фақат ҳаракат ҳавфсизлиги қоидалари ва машина бошқаришни ўрганибгина қолмай, йўловчилар билан муомала қилиш бўйича ҳам муайян маълумотларни оладилар. Бундан ташқари, уларга ва барча автобус ҳайдовчиларига «хизмат маданияти талони» берилмоқда. Бу талонда ҳайдовчининг йўловчилар билан кўпол муомаласи ва маршрутда ҳаракат графигига амал қилмаганлик тўғрисидаги камчиликлари қайд қилинади. Ҳар ойда ва квартал якунларида хизмат маданияти талонидаги ана шу қайдлар эътиборга олиниб, огоҳлантириш олган ҳайдовчиларни мукофотдан маҳрум этиш, маълум муддатга бошқа ишларга ўтказиш кабилар билан жазоланадилар.

Бош бошқармамизнинг барча автокорхоналари коллективлари Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида ишлаб, ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори бу мусобақанинг асоси қилиб олинган. Бундан ташқари, Улуғ Октябрь юбилейигача ижи, икки йиллик топшириқни бажариш, «Намунали хизмат кўрсатишни таъминлайман» нишонини олиш учун ҳам мусобақалар авж олган.

5-таксомотор паркининг М. Шангареев бошлиқ бригадаси коллективи 7 ноябргача икки ярим йиллик топшириқни бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Улар ҳозир мана шу юксак мажбуриятни бажариш арафасида туришибди. Юбилейолди мусобақасида 2-автокомбинат, 6-таксопарк, 3, 5-, 12-автобус паркларининг коллективлари пешқадамлар сафида боришмоқда. 1 октябргача 15 та бригада ўниничи беш йилликнинг икки йиллик топшириғини бажарганлиги тўғрисидаги рапортга имзо чекди. Улар орасида 3-автопаркнинг Ш. Холмуҳамедов бошлиқ бригадаси ҳайдовчиларининг иши айниқса таҳсинга лойиқ. 35-маршрутга хизмат кўрсатадиган бу пешқадам бригада коллективи автотранспортда биринчилар қатори бригада тудрати усулида ишлашга ўтди ва ўз олдиларига қўйилган вазифани шараф билан адо этишмоқда. 2-автокомбинатнинг Н. Рябцев бошлиқ такси ҳайдовчилари бригадаси ўниничи беш йилликнинг икки йиллик топшириғини 5 сентябрда адо этишди.

Жами автобус ва такси ҳайдовчиларидан минг киши ўз зиммаларидаги мажбуриятни муддатидан анча илгари бажардилар — икки йиллик шахсий топшириқни вақтидаги 7 ноябрь ўрнига 1 октябрда адо этишди. 3-автопарк ҳайдовчиси Зоир Юсупов ва 4-автопарк ҳайдовчиси Т. Абдураҳмоновлар бу даврғача уч йиллик шахсий топшириқни бажариб, ҳозирги кунларда 1979 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳримиз территорияси кун сайин кенгайиб, аҳоли сони соат сайин ортиб бормоқда. Шу муносабат билан бизнинг олдимизда турган вазифалар миқёси ҳам тобора кенгаяверди. Аҳолига намунали автотранспорт хизмати кўрсатиш учун ҳозирги кунларда диспетчерлик бошқарувининг автомат системасини лойиҳалаш девом этяпти. Жами баҳоси 5 миллион сўмдан иборат бўлган бу системани 1980 йилда ишга тушириш мўлжалланган. Ючусобод массивида қурилажак автобус паркининг лойиҳаси ниҳоясига етди, уни қуриш шу йил бошланади. Бундан ташқари, яна тўққизта автостанциянинг лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилмоқда. Авиасозлар шаҳарчаси ва Қўйлиқда иккита автостанция қурилмоқда.

1976—77 йилларда саноат корхоналари ва шаҳар аҳолисининг таклифлари билан шаҳарда 14 янги маршрут очилди ва 17 автобус маршрутининг йўналишлари ўзгартирилди. 19 маршрутда эса автобуслар сони оширилди, саккиз маршрутда кичик ҳажмли автобуслар катталари билан алмаштирилди. Натижада, Янгиобод, Бирлик, Авиасозлар шаҳарчаси ва Юнусобод аҳолиси қўшимча қулайликларга эга бўлдилар.

Бу тадбирларнинг барчаси асосий кўрсаткичлар бўйича план ва мажбуриятларнинг ўз муддатида бажарилишига олиб келмоқда. Юбилей йилининг тўққиз ойлик плани ва мажбурияти шараф билан бажарилди. Йўловчи ташиш плани 102 процентга етди, пландагига қўшимча 4,7 миллион йўловчи ташилди. Шунингдек, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар плани ҳам бажарилди. Ўтган тўққиз ойда тўрт янги маршрут очилди, беш маршрут ҳаракати узайтирилди, тўрт маршрутда автобуслар сони кўпайтирилди.

Автотранспорт ходимлари ўзларининг касб байрамларини кўтаринки кайфият билан кутиб олишмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, барча автокорхоналар коллективлари Улуғ Октябрь юбилейини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар ва йиллик мажбуриятларини шараф билан адо этадилар.

О. МУИНОВ,
«Главташпассавтотранс» Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Тошкент область комсомол комитети қарори билан қуйидагилар адабиёт, санъат, журналистика ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида 1977 йилги Тошкент область Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдилар.

АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

МИРЗАЕВ Мирпўлат — шоир, «Тонг жилваси» китоби ва шеърлар сериясн учун.

ТЕАТР САНЪАТИ ВА КОНЦЕРТ-ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

КАРИМОВА Раъно, ТУРСУНОВ Шавкат, КАЛМИКОВА Ольга, САЪДУЛЛАЕВА Феруза, КИСТАНОВ Игорь, КУДЕЛИН Андрей — Алишер Навоий номидаги Узбекистон Давлат академчк Катта опера ва балет театри солистлари. К. Вебернинг «Гуллар очилганда», А. Калнинишнинг «Бўлинган қўшиқ», Ф. Шопеннинг «Шопениана» спектаклларида юксак бадиий образлар яратганликлари учун.

Ҳамза номидаги Тошкент Давлат музика билим юрти скрипкачилар ансамбли. Ёшларни эстетик ва бадиий руҳда тарбиялашдаги хизматлари ва юксак ижодий маҳорати учун.

КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА

САЛИМОВ Дамир — «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёр-постановкачиси. Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» повестини экранлаштиришдаги юксак бадиий маҳорати учун.

ОХУНОВ Эркин — рассом. Бир қатор бадиий юксак асарлари ва ёшлар ўртасида тасвирий санъатни пропаганда қилишдаги актив хизматлари учун.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ СОҲАСИДА

Тошкент трактор заводининг «Биз — трактарсозлармиз» халқ агитеатри. Ёшларни ўниничи беш йиллик планларини бажаришга сафарбар этувчи бадиий жиҳатдан ранг-баранг ва оригинал спектакллари учун.



Ҳарбий ватанпарварлик саҳифаси

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

№ 156

ҚАҲРАМОНЛИК ВА ЭЪТИҚОД

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, запасдаги капитан, Тошкентдаги Энгельс номли чет тиллар давлат педагогика институтининг ректори, тарих фанлари доктори Туроб Жўраевнинг деярли ҳамма илмий ишлари, ёзган асарлари мамлакатимиз халқларининг она-Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга, Улуғ Ватан уруши йилларида хавфли душманга — гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашларига бағишланган. Жангчи олим доимо изланишда. У янги-янги қаҳрамонларни топиб, уларнинг жангговар фаолиятлари ҳақида асарлар ёзмоқда. Унинг «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Компартияси», «Ўзбекистонликлар — партизан уруши қатнашчилари», «Совет Ватани учун жангларда», «Ўзбекистон Волга бўйидаги буюк жанг кунларида» деган асарлари нашр қилинган. Қуйидаги саҳифада фронтда, ўтли жангоҳларда бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан жанг қилган, урушдан кейинги йилларда эса ўзининг бутун билимини, ижодий куч-ғайратини ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига бағишлаган тарихнавис олим ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.



Айвонда чироқ ёқилди. Шинам, мўъжазгина ҳовли машъал ёқилгандай ёришиб кетди. Туроб ака мусаффо оқшом ҳавосида неваралари билан бироз айланиб, ойнаванд айвондаги иш столига кўтарилди. Жавонларга тарихга оид китоблар дид билан тахлаб қўйилган. Улар орасида соҳибхонадон қўли билан ёзилган асарлар ҳам бор.

Туроб ака хотира дафтарини аста варақлаб, уларда қайд этилган воқеаларни, ҳужжатларни бирма-бир тартибга келтириб ёзабошлади. Тароватли, сокин кечада соҳибқалам олим ҳаёлида Улуғ Ватан уруши йиллари жонланди. Қирқ биринчи йилнинг аёзлишиддатли кузида Москва остоналаридаги оғир жанглар. Волоколамск тош йўлида гитлерчилар йўлини тўсиб, уларга берилган қаҳшатгич зарбалар ва у ерда оддий жангчи Туроб Жўраевнинг ўзи елкасидан оғир яраланиб, уч ой госпиталда даволаниб, яна жангга қайтгани, сўнг Ғарбий ва Ғарбий-Шимолий фронтлардаги жанглар, 900 кунлик Ленинград қамалида қолган ленинградликларнинг матонати ва мудофаада туриб, фашист газандаларини улуғ Ленин шаҳрига йўлатмай, уларга ўнғолмас зарбалар берган совет баҳодирларининг жасоратлари ветеран жангчи кўнгил кўзгусида намоён бўлди.

Туроб Жўраев оташлиоловли фронт йилларида улуғ пойтахтимиз Москва остоналаридан фашистлар қароргоҳи Берлингача бўлган оғир жанг йўлларини босиб ўтиб, буюк Ғалаба хушхабарини Эльба соҳилида эшитганида ўзининг кейинги онгли ҳаётини ва билимини Совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган жасоратларини ёзиб қолдиришга бағишлашга онт ичди. Бу қасам улкан олимнинг бутун ижодий ҳаёт йўлини белгилади.

Тўрт йиллик оғир жанглар хоҳ фронтда бўлсин, ҳоҳ фронт орқасида бўлсин, ҳар бир кишининг ёдидан асло кўтарилмайди. Ўша йиллари бутун мамлакат фронт учун, Ғалаба учун меҳнат қилди ва ҳавфли душман устидан буюк Ғалабани қўлга киритди. Урушда она-Ватанимиз ўзининг 20 миллион фарзандидан ажради. Кўп жангчилар яраланиб, ногирон бўлиб қайтдилар.

Фронтда ва душман орқасида туриб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатган совет кишиларининг қаҳрамонликлари тарихнавис олимни қаламга ундади. Мана 35 йилдирки, унинг қўлида қалам, у ҳамон изланишда.

Бу йил 19 ноябрда Сталинград бўсағасида немис-фашист қўшинлари қуршаб олиниб, улар батамом тормор этилганига 35 йил тўлади. Ана шу улуғ ғалабамиз қаҳрамонлари ҳақида уруш ветерани, тарих фанлари доктори, профессор Туроб Жўраев янги асар ёзмоқда. Собиқ жангчи ижодий постда туриб, тунларни бедор ўтказиб, қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштирмоқда.

«Ўзбекистон» нашриёти 1975 йилда «Ўзбекистонликлар — партизан уруши қатнашчилари» китобини нашр этди. Буюк ғалабамизнинг 30 йиллигида китобхонларга совға этилган бу асарнинг муаллифи Туроб Жўраевдир. Муҳим мавзуга бағишланган бу монографияни Туроб ака 30 йил мобайнида ёзган. Ҳа, урушдан кейинги тинчлик йилларида муаллиф уруш йилларида турли воқеалар туфайли душман орқасига тушиб қолган ўзбекистонлик жангчи йигитларнинг партизанлик ҳаракатига қўшилиб, ёвуз душманга қарши шафқатсиз жанглар олиб борганликларини архив материаллари асосида қаламга олган.

Партизанлар ҳақидаги китобда 401 халқ қасоскорларининг номлари тилга олинган. Бу ватанпарвар, садоқатли халқ баҳодирларининг номларини ва улар кўрсатган жасоратлар тафсилотини ёзиш учун Туроб ака Москва, Ленинград шаҳарларидаги Улуғ Ватан уруши архивларини кўздан кечириб чиқди. Уруш йилларида партизанлик ҳаракатлари бошланган РСФСР-нинг ғарбий областлари, Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикалари, Молдавия ва Карелия ерларида бўлиб, собиқ партизанлар билан учрашди, улар қўлларидаги ва маҳаллий ташкилотлар архивларда сақланаётган ҳужжатларни ўрганди.

Китобда уруш йилларида фақат бизнинг мамлакатимиз территориясигина эмас, балки чет элларда, гитлерчи босқинчиларга қарши партизанлик ҳаракатлари бошланган жойларда ҳам жанг олиб борган ўзбекистонликлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Олимнинг бошқа китоблари ҳам юқорида номи тилга олинган асар каби муҳим мавзуга бағишланган. Унинг рус ва ўзбек тилида 1964 йилда нашр этилган «Ватаннинг содиқ фарзандлари» китобида ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳақида сўз боради. Муаллиф бу китобни ёзишдан аввал улуғ номга мушарраф бўлган Ватан паҳлавонларининг турли жойларда сақланаётган архив ҳужжатларини ўрганган, қисмлар, фронт қўмондонлари томонидан мукофотга тавсия этилган варақалар билан танишган, ҳозир ҳаёт бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан учрашиб, улар билан суҳбатлашиб, фактларни аниқлаган.

Туроб ака ёзган китоблар орасида унинг докторлик диссертациясига мавзу бўлган «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Компартияси» деган китоби алоҳида қимматга эга. Бу китобда Улуғ Ватан уруши йилларида жонажон республикамизнинг партия ташкилоти душман устидан Улуғ Ғалабани таъминлаш учун олиб борган улкан оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлари ёрқин фактлар асосида тасвирланган. Муаллиф бу китобдан ташқари «Совет Ватани учун жангларда» (1970), «Ўзбекистон Волга бўйидаги жанг кунларида» (1963), «Ўзбекистон Компартияси Москванинг қаҳрамонона мудофааси кунларида» асарларини нашр эттирди. Ҳозир Т. Жўраевнинг «Фан» нашриётида Москва остоналарида немис-фашист қўшинларини тор-мор этишда қатнашган ўзбекистонлик жангчилар ҳаётига бағишланган китоби нашрдан чиқиш олдида турибди. Туроб аканинг ҳамма ёзган жанг майдонларида кўрган-кечирганлари, орзу-ўйлари, жангдан бўш вақтларида ёзган, машқ қилган шеърлари жой олган. Бу дафтардаги шеърларни Жўраев жангоҳларда ёвга қарши жанг қилиб юрган кезлари вақт топиб қаламга олган ва уларни фронтда ўзбек тилида чиқадиган газетага ва республика матбуотига жўнатиб турган. 1962 йилда Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти чиқарган «Жангговар саҳифалар» тўпламида Туроб аканинг 1942 йил ноябрида Ғарбий-Шимолий фронтда ёзган «Ватанимни севаман» деган шеъри босилган. Унинг бошланиши бундай:

Ватан менинг шоним,
бахтим ҳаётим,
Уни жонимдан ҳам ортиқ
севаман.
Эркига қасд қилган
қонхўр душманни,
Аямасдан қириб, яксон
этаман,

1943 йил баҳор ойларида Ғарбий-Шимолий фронтда шиддатли жанглар боради. Туроб Жўраев 63-танк полкида жангчи алоқачи бўлиб, оғир жангларда қатнашади. Гитлерчи босқинчиларнинг ҳамлаларини пучга чиқариб, уларни орқага чекинтириш жангларида жасорат кўрсатади. Полк командирининг бўлинмалари билан мунтазам алоқа ўрнатилишини таъминлайди. Ана шу баҳор жанглари вақтида намуна кўрсатганлиги учун «Жасорати учун» медали билан мукофотланади.

Жангчи Туроб Жўраев 1941 йил августида Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетини муваффақиятли тугатиб, дипломни севмли ёри Муборакхонга қолдириб, ўзи жанг майдонига отланган. Она-Ватан шарафи учун энг оғир жойларда, шиддатли жангоҳларда жасорат кўрсатиб, гитлерчиларга қирон келтирган. Унинг жанглардаги жасоратини жангговар орденларини тақиб тушган фото сурати ҳам эслатиб турибди. Қизил юлдуз, II-даражали Ватан уруши орденлари, «Жасурлиги учун», «Жангговар хизматлари учун» ва бошқа медаллари баҳодир уруш ветеранининг оловли йилларидаги шон-шуҳратининг ёрқин гувоҳидир.


Туроб ака урушдан кейин тугилиб ўсган жонажон Тошкентга қайтиб самарали илмий-педагогик ишларини олиб боришти. У партия, совет ташкилотларининг юқори лавозимларида ишлади. Ҳозир эса Энгельс номидаги чет тиллар давлат педагогика институтининг ректори. Ёши 60 дан ошган, лекин чиниқкан солдатдек бардам Туроб ака қайноқ ижодий-илмий ва педагогик ишлар билан банд.

Туроб акани оромбахш оқшомда ўз ховлисида, жажжи невараларини қўлидан ушлаб, сайр қилиб юрганида, ёзув столи ёнига ўтириб, фронт хотираларини ёзиш учун ён дафтарини қўлига олганида, уни постда турган сарҳадбондай, муддатсиз хизматда бўлган жангчига ўхшатгим келди.

НАЗАРМАТ.

«Профессор Т. Жўраевнинг «Ўзбекистонликлар — партизан уруши қатнашчилари» китоби авторнинг кўп йиллик тадқиқот ишлари самарасидир. Бу салмоқли асар унинг Ўзбекистон Компартиясининг қаҳрамонона фаолияти ва фашист Германияси ҳамда империалистик Япония устидан ғалаба қозониш учун курашда актив иштирок этган барча меҳнаткашларнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш борасида олиб борган ўттиз йиллик машаққатли меҳнати якунидир».

К. Е. ЖИТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.



Суратларда: (юқорида) Туроб Жўраев ва у ёзган асарлар ҳамда Энгельс номидаги чет тиллар давлат педагогика институти шон-шуҳрат хонасидан лавҳа.

А. Абалян фотолари.



ДУШМАН УЯСИДА

Ўзбек халқининг шавкатли фарзандлари «кўз илғамас фронтда»ги курашда ҳам актив иштирок этганлар. Ана шундай жасур разведкачиларимиз ҳақида «Ўзбекистонликлар партизан уруши қатнашчилари» китобида мароқли ҳикоя қилиб берилган. Қуйида ана шундай ҳикоялардан бирини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Собиқ разведкачи ҳозир Тошкентда яшайди. Биз унинг исм ва фамилиясини ўзгартириб Мирза Содиқов деб бераётирмиз. Уруш бошлангандан илгарироқ у «кўринмас фронт» солдати бўлиб қолган эди.

— Советларга қарши биргаликда кураш олиб борсак деб Сизга таклиф қилмоқчимиз,— деди кунларнинг бирида япон разведкачиси Содиқовга.

Шундан сўнг Мирза самурайларга «ёрдам» бера бошлади. У аста-секин япон милитаристларининг ниятларини билиб олди. Улар совет Ўрта Осиёси республикалари территориясида қўпорувчилик ишларини олиб боришга тайёрланардилар. Уларни ҳамма нарса: ҳарбий қисмларнинг жойлашиши, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, саноатнинг қандай тараққий қилаётганлиги, муҳим саноат объектлари қаердалиги, совет кишиларининг турмуш даражаси ва ҳоказолар қизиқтирар эди.

Мирза душман разведкаси томонидан Совет Иттифоқига юборилаётган жосуслар ҳақида маълумот бериб турди, япон разведкасининг бундай ҳам жиддийроқ режаларидан огоҳ бўла бошлади ва уларнинг ҳаммаси ҳақида совет органларига маълум қилиб турди. 1941 йил яқинлашаётган эди. Содиқов иш олиб бораётган мамлакатда фашист Германияси разведкани кучайтирди. Туркистонлик эмигрантлар фашистларга умид билан боқардилар. Узбек буржуа миллатчиларининг раҳбари Мустафо Чўқаев гитлерчилар ёрдамида Ўрта Осиёда эски тартибларни қайта тиклашни орзу қиларди.

Ана шундай шароитда Мирза Содиқов немис разведкаси биргаликда ишлайлик, деб таклиф қилганида, уларнинг бу таклифини қайтармади. Немис разведкасининг мақсадлари японларникидан унчалик фарқ қилмасди, бироқ бир мунча қамровли эди. Фашистларни мамлакат ғарбий районларидан эвакуация қилинган саноат корхоналари қаерга жойлашганлиги, янги ҳарбий қисмлар қаерларда тузилаётганлиги қизиқтирарди. Фашист агентлари, шунингдек, миш-мишлар тарқатиш, аҳоли ўртасида вассаса туғдиришни ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Душман Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятига қарши халқ қўзғолонларини уюштириш имкониятларини ҳам излаб кўрди.

Мирза Содиқов Ўрта Осиё бўйича фашистлар қандай режа тузаётганлиги тўғрисида тегишли совет органларини вақтида огоҳлантириб турди.

Ашаддий душманлар орасида ҳар куни иш олиб бориш Содиқовдан жуда катта маънавий ва жисмоний куч талаб қиларди. У кўрмасдан туриб иш олиб боришга мажбур эди. Хатога йўл қўйиши ўзини ҳалокатга олиб келарди.

Содиқов узоқ йиллар мобайнида Ватаннинг топшириқларини садоқат билан бажариб келди, душманларнинг ниятларини сезгирлик билан кузатиб турди. Унга доим ёрдам бериб турган яхши дўстлари бор эди. Лекин шу билан бирга душманлари ҳам кўп эди. Буржуа миллатчилари орасидаги мансабпарастлар Содиқовнинг фашист разведкаси ишончини тез қозонаётганлигига ҳасад қилишарди. Улар Мирзани ҳукуматга қарши фаолиятда айблаб, туҳмат уюштиришди.

Содиқовни қамоққа олдилар. У икки йилдан ортиқ қийноқ ва азобларда ёлғиз камерада ётди. Бу азоблар Содиқовнинг саломатлигини жуда оғирлаштириб қўйди. Турма нозирлари уни сиёсий маҳбуслар сақланадиган камерага ўтказишга мажбур бўлдилар. Бундай маҳбуслар орасида ҳамиятли кишиларга дуч келди. Улар Мирзага ёрдам беришди. Узларида бор нарсаларни у билан баҳам кўришди. Мирзанинг соғлиғи аста-секин яхшилана борди. Турмага Шарқий фронтдан хабар кириб кела бошлади. Немис-фашист қўшинларининг Сталинград остоналарида тор-мор этилиши, Ленинград қамалининг ёриб ўтилиши, Киевнинг озод этилиши — бу хушхабарлар ҳар қандай дориларидан кўра яхшироқ таъсир қилиб, унинг саломатлиги тикланишига ёрдам берди. Совет ҳукумати Содиқов ва бошқа ватанпарварларни турмадан озод қилишга муваффақ бўлди. Олти йил қамоқда ўтирган разведкачи ўзининг қийин, лекин шарафли ишига яна қайтди.

Совет халқи 1965 йил май ойида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 20 йиллигини тантанали нишонлаган кунларда Ватан бир қатор жасур кишилар қатори Мирза Содиқовни Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

СПОРТ

ГТО ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ

Бугун Тбилиси шаҳрида «Комсомольская правда» газетаси совғаси учун ГТО комплекси кўпкураши бўйича мамлакат тўртинчи чемпионати мусобақаларига старт берилади. Республикамизнинг спорт мухлислари ўтган йили кузида Тошкентда ўтказилган ана шундай мусобақаларни ҳамон эслашади. Тошкент отчопарида бўлиб ўтган ГТО финал мусобақалари ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетиб, мухлислар мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган кучли спортчиларнинг беллашувларини кўришга муяссар бўлишганди.

Тбилиси шаҳрида республикамиз спорт шарафини асосан ўтган йили терма команда сафида қатнашган спортчилар ҳимоя қилишади. Валентина Сидашова, Сергей Серебряков, Рим Ярулин, Виктор Москаленко, Татьяна Беспалова, Альбина Мачула, Марина Шишова, Рита Павловалар турли босқич мусобақаларида стартга чиқишади. Командага К. Пуцило тренерлик қилмоқда.

СТАРТДА ЕШЛАР

Пойтахтдаги округ офицерлар уйида волейбол бўйича ёшлар ўртасида касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ турнири бошланди. Тошкент турнирида жами саккиз команда қатнашмоқда. Бўлиб ўтган биринчи тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Автомобилист» (Тошкент) — «Спартак» (Ленинград) — 3:0, «Аврора» (Рига) — «Спартак» (Тошкент) — 3:0, «Уралочка» (Свердловск) — «Нефтчи» (Боку) — 3:0, Педагогика институти (Москва области) — «Буревестник» (Киев) — 3:1. Мусобақалар бир ҳафта давом этади.

МЕЗБОН — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Республиканинг биринчи чемпиони Азмиддин Ҳўжаев хотира-совғини учун ўтказилган анъанавий турнирнинг сўнгги турида москвалик Колобовни мағлубиятга учратган фарғоналик спорт мастери Игорь Иванов 11 очко билан биринчи ўринни олди. Львовлик Борис Коган эса тошкентлик Владимир Егинга ютқазиб қўйди. Вячеслав Аъзамов ҳамда Марк Рудерферлар учрашувларни дуранг қилиб, турнир жадвалидаги мавқеларини сақлаб қолдилар.

Шундай қилиб уч ҳафта давом этган анъанавий турнир ниҳоясига етди. Республикамиз вакили Игорь Иванов турнирнинг бош совриндори бўлди. Яна уч вакилимиз тошкентлик Марк Рудерфер билан Владимир Егин, олмалиқлик Вячеслав Аъзамовлар львовлик Борис Коган билан тенг — 10 тадан очко тўплаб, иккинчи-бешинчи ўринларни бўлишиб олишди.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

1978 йил учун «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига обуна давом этмоқда

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхона ва қурилишлар, колхоз-совхозлар ва муассасаларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга — 5 сўм 28 тийин.

«Тошкент Ҳақиқати»га ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ОРБИТА-3» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Гимнастика 9.30 — АБВГдейка. 10.00 — «Ота-оналар, сизлар учун». 10.30 — Тонгги музикали программа. 11.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.30 — Мен — совет ишчисиман. 12.30 — «Музикали абонемент». 13.10—«Спортлото». 13.20 — «Здоровье». 14.05 — «Еттинчи жин» (бадиий фильм). 15.35 — Танаффус. 15.45 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Адабий суҳбатлар. 16.40 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — «Комсомоллар — тиним билмас қалблар». 17.50 — «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 18.50 — Танаффус. 19.00 — «Сарсонлик саргардонликда» (бадиий фильм, 8-серия). 20.20 — Футбол. Динамо (Тб) — Динамо (К). Танаффусда янгиликлар. 21.45 — Концерт. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг концерти. 23.25 — Гимнастика бўйича жаҳон кубоги учун.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Телеминиатюралар. 11.00— Болалар учун кўрсатув. 11.30 — «Назм ва наво». Бобир лирикаси. 12.30 — «Ёш гвардия» (бадиий фильм, 1-серия). 13.45 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. «Ўзбекистон спортчилари Октябрь сафида». 14.25 — Ҳужжатли фильм. 14.35 — «Замандас». 17.45 — До-ре-ми-фа-соль. 18.15 — «Советский воин». 18.55 — «Ёзувчилар — ёзув. чилар ҳақида». К. Яшин. 19.35 — Ахборот. 19.50 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. Ойбек. «Қутлуғ қон» (кўп серияли телевидиофильм, 5-қисм). 21.00 — Ахборот. 21.20 — Куйланг ёш хонандалар. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — «Пахтазор» — мардлар майдони». 22.45 — «Еттинчи ўқ» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.50 — Душанба кўрсатади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29]Ҳда **Севилия сартароши**, 30]Ҳда **Доктор Айболит** (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29]Ҳда **Ғариблар** (билетлар сотилган), 30]Ҳда **Келинлар қўзғолони** (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 29]Ҳда **Момо ер**, 30]Ҳда **Нурхон**, 31]Ҳда **Хотинимнинг эри.**

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29]Ҳда **Тўй муборак, қари қиз**, 30]Ҳда **Беш кунлик куёв.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 29]Ҳда **Москва цирки артистларининг гастроллари**, **«Сувда цирк»** аттракциони (12.30, 16.00 ва 19.00).

Кино

29,30 октябрда

САНЪАТ САРОЙИ —**Узоқ яқин йиллар** (катта зал, 14, 16, 17,45) **Озодлик солдатлари** (катта зал, 19.30), **Муҳаббатнома** (кичик зал кундуз ва кечқурун.

Узоқ яқин йиллар — «КУЧА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40), **«УЗБЕКИСТОН»** (тоқ соатларда). **ҲАМЗА** номли (кундуз ва кечқурун). **Бўри изидан — С. РАХИМОВ** номли (11, 13, 15,17, 19, 21.00) **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ ЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун). **Қадрсиз киши — «ИСКРА»** (19.30).

Оқ тун куйлари — «ЯНГИ ОБОД» (11, 13, 15.00).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 03673.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64584.

Г. 1735.